

Мисрда Қуръоннинг биринчи урду тилидаги таржимаси нашр этилди



10:20 / 09.06.2021 2296

Мисрнинг вақфлар вазирлиги ҳузуридаги Ислом ишлари бўйича олий кенгаш билан ҳамкорликда Қуръоннинг биринчи урду таржимаси нашр этилди. Бу ҳақда Миср янгиликлар сайти хабар беради.

Қуръоннинг урду тилидаги таржимасини Абдул Назирхон ва Воҳид Ҳасан Азарий амалга оширдилар. Шунингдек, Ал-Азҳар университети Тиллар ва таржима факультети урду тили кафедраси мудирини Аҳмад Муҳаммад ал-Қози ҳам кўриб чиқдилар.

Мисрнинг вақфлар вазири Муҳаммад Мухтор Жума ҳам Қуръони Каримнинг урду тилига биринчи таржимаси ҳақида кириш сўзини ёзган ва Миср Ислом ишлари бўйича олий кенгаши ушбу таржимани тақдим этгани, баҳолагани

ва кузатгани учун миннатдорчилик билдирди.

Кенгаш Қуръоннинг урду тилидаги таржимаси тез орада Мисрнинг вақфлар вазирлиги ва Ислом ишлари бўйича Олий Кенгаш веб-сайтларида оммага тақдим этилишини эълон қилди.

Хуршид Маъруф тайёрлади